

Хизматлар соҳасининг назарий муаммолари

*СамИСИ “Иқтисодиёт” кафедраси мудири Ш.А.Султонов,
Магистр Б.Йўлдошов,*

Сўнгги йилларда тармоқларнинг комплексини бирлаштирадиган “хизматлар соҳаси” деб номланадиган соҳанинг ўсиб бораётган роли, унда содир бўлаётган ижтимоий – иқтисодий ўзгаришларнинг хилма хиллиги мамлакатимиз ва чет эл олимлари диққатини тортиб бормоқда ва улар уни ҳар томонлама ўрганишга ҳаракат қилмоқда.

Бутун дунёда иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўта муҳим қонуниятларидан бири бўлиб, миллий иқтисодиётдаги иқтисодий ўсиш ва хизматлар ролининг ошиши ўртасидаги ўзаро алоқа ҳисобланади. Бу ўз аксини хизматлар соҳасида фойдаланиладиган моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар ҳиссасининг ўсишида ўз аксини топмоқда.

Жамият ривожланиши, ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши баробарида хизматлар соҳасида ҳам маълум даражада ривожланиш содир бўлади. Ушбу соҳада банд бўлганлар сони, меҳнатнинг техник таъминланганлигининг ошиши, замонавий технологияларнинг жорий этилиши кўзга ташланмоқда.

Ҳозирги кунда иқтисодиётнинг муҳим сектори сифатида хизматлар соҳасининг роли жуда катта ва долзарб ҳисобланади. Бу авваламбор ишлаб чиқаришнинг мураккаблашиши, бозорнинг кундалик ва якка тартибдаги талабдаги товарлар билан тўйиниши, фан-техника тараққиётининг тез ўсиши билан боғлиқ ва у жамият ҳаётидаги янгиланишларга олиб келади. Бунинг барчасини ахборот, молиявий, транспорт, савдо, суғурта ва бошқа хизматлар турларининг мавжудлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунингдек хизматлар товарлар савдосининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Чунки товарни сотиш асосан сотиш вақтидаги ва сотишдан кейинги хизмат кўрсатиш бўйича хизматлардан ташкил топган ривожланган кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларнинг мавжудлигини тақоза этади.

Мамлакатимизда содир бўлаётган замонавий бозор муносабатларининг ривожланиши хизматлар соҳасида сезиларли даражада ўзгаришлар содир бўлаётганлигининг белгисидир. Сўнгги йилларда хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ошиш тенденциясига эга бўлиб бормоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг дунё иқтисодий маконига интеграллашуви даражасига қараб хизматлар импорти ва экспортининг ривожланиши содир бўлади.

Статистик маълумотларга кўра 40 % дан ортиқ чет эл инвестициялари хизматлар соҳасини ривожлантириш учун жалб қилинади ва бу ўз навбатида иқтисодиётнинг ушбу сектори долзарблиги, унга қизиқишини ва унинг ривожланиш истиқболларини тасдиқлайди.

Хизматлар соҳаси мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий қисмини ташкил этади. Сўнгги йиллар мобайнида яратилган ялпи ички маҳсулотнинг ярмидан кўпи айнан шу соҳага тўғри келмоқда. (2018 йил 1 январ ҳолатига

кўра ушбу ҳисса 47,3 % ни ташкил этди). Унинг таркибига аҳоли ҳаёт фаолиятини таъминловчи зарурий шароитларни таъминловчи (моддий ва номоддий тавсифдаги) ва ишлаб чиқариш объектлари фаолиятларини таъминловчи тармоқлар ва корхоналар киради.

Ривожланган давлатларда хизматлар соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси 60-70 % ни ташкил этади.¹ Ушбу соҳанинг ривожланиши даражаси, одатда, мамлакат ривожланиш даражасини, унинг иқтисодий салоҳиятини акс эттиради. Иқтисодиётнинг реал секторидаги меҳнат унумдорлигининг юқори даражаси миллий иқтисодиётнинг бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларига катта сонли меҳнат ва моддий ресурсларни ўтказиш имконини беради.

Иқтисодиёт реал секторидаги ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, янги авлод, қийин, юқори технологик маҳсулотларининг яратилиши, хизматлар соҳасининг ўсишига, улар турлари ва хилма хиллигининг ошишига, ушбу соҳанинг техник такомиллашишини таъминлайди. Ўз навбатида хизматлар соҳаси миқёсининг кенгайиши, ҳаммабоблиги, иш сифатининг яхшиланиши, товарларга талабнинг кўпайишига имкон яратади ва шу тариқа ишлаб чиқариш миқёсининг ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг умумий макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўсишига эришилади.

Юқори иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлатлар учун иқтисодий ривожланишнинг ўсиши хизматлар соҳасининг кенгайишига замин яратади. Аксинча, камроқ иқтисодий салоҳиятга эга бўлган мамлакатлар хизматлар соҳасига кўпроқ харажатлар қилишга қодир эмаслар. Бу ерда хизматлар ҳамма вақт оммабоб ва сифатли бўлмайди ва шу сабабли хизматлар соҳасининг кенгайиши ва унинг сифат тавсифларининг яхшиланиши маҳсулотга талабнинг ошиши, иқтисодиёт реал секторининг ривожланиши учун рағбат бўлиб ҳисобланади, яъни тескари алоқалар натижасидир.

Шу сабабли иқтисодий ўсишнинг омили сифатидаги хизматлар соҳасининг роли тўғрисидаги савол пайдо бўлади.

Ушбу савол бўйича ягона нуктаи назар йўқ. Айрим иқтисодчилар хизматлар соҳасининг ривожланиши юқорида таъкидланган иқтисодиётнинг ривожланиши ва кўрилатган соҳа ўртасидаги алоқаларга таянган ҳолда иқтисодий ўсишнинг зарурий омили деб ҳисоблашадилар.² Қолганлари (асосан ислохатлардан олдинги иқтисодий мактаб вакиллари – Кронрод Я.А., Скаржинеский М.И. ва бошқалар) хизматлар соҳасини қисқартириш ҳисобига моддий ишлаб чиқариш соҳасини кенгайтиришнинг фойдалилиги тўғрисидаги таклифни қўллаб қувватлашадилар: моддий неъматларни ишлаб чиқаришда меҳнат ресурслари қанча кўп банд бўлса, жамият шунчалик кўп наф кўради.³⁴ Бундай нуктаи назардпн хизматлар соҳасини қолдиқ тамойили бўйича молиялаштириш оқибатлари сифатида намоён бўлади.

¹ Дойль П. Маркетинг, ориентированный стоимостью (пер. с англ.) – СПб., Питер, 2001

² Котлер Ф Основы маркетинга. – М.,: Прогресс, 1993

³ Егорова Н.Е., Майн Е.Р. Малый бизнес в россии : экономический анализ и моделирование. – м, : ЦЭМИ РАН, 1997

⁴ Кронрод Я. А. Социалистическое воспроизводство. М., Госполитиздат, 1995

Хизматлар соҳаси, ривожининг ортида қолиш кўпчилик даражада ҳам дастлабки назарий ёндошишлар (хизматлар соҳаси ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида бўйсунтириш аҳамиятига эга бўлади деб ҳисобланган), шунингдек ноишлаб чиқариш фаолиятини ишлаб чиқаришга қараганда устувор бўлмаган фаолият турига кирувчи ўзбек минтақаси сабаб бўлади деган фикрни айтсак муҳофаза бўлмайди.

Республикада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида барча амалга оширилаётган ишлардан ташқари қуйидаги чоратadbирларни амалга ошириш ва уларнинг бажарилишини қаттиқ назоратга олиш мақсадга мувофиқ:

- Реал сектор корхоналари фаолиятлари натижалари маҳсулотни яратишда эмас, балки хизматларни тақдим этишда акс эттирилади.
- ушбу соҳада меҳнатни тадбиқ этиш объекти бўлиб, моддий субстанция эмас, балки бевосита инсон ҳисобланади.
- хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритувчи иқтисодий структуралар фаолиятларининг натижалари фақат уларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш жараёнида содир бўлади ва уни на ишлаб чиқаришдан, на истеъмолчидан ажратиш имкони бўлмайди.
- хизматлар соҳаси аҳолидан ёки реал сектордан ажралган ҳолда мавжуд бўлаолмайди. Тескариси, унинг самарадорлиги, бевосита унинг ижтимоий ҳаётнинг ишлаб чиқариш ижтимоий соҳалари билан интеграциялашуви жараёнлари билан боғлиқ бўлади.
- ушбу соҳада тақдим этилаётган маҳсулотлар (хизматлар) кўпчилик турларининг хусусиятлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: 1) комплекс тавсиф (эҳтиёжларнинг навбатма навбат қондирилиши); 2) нисбатан кучсиз уларнинг ўзаро бир бирларини алмаштиришидаги ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро бир бирларини тўлдиришлари (хизматлар пакети).

Ўзининг моҳиятига кўра хизматлар соҳаси – зарурий бозор инфратузилмасининг бир қисмидир усиз нормал ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш имкони бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, хизматлар соҳаси тушунчаси билан атамали фарқланиш боғлиқдир. Биринчидан, бир қатор атамалар мавжуд: хизматлар соҳаси, хизмат кўрсатиш соҳаси, ноишлаб чиқариш соҳаси, номоддий ишлаб чиқариш соҳаси. Олимларнинг бир қисми, бу бир иқтисодий объектнинг турли номланиши (яъни синонимлар деб ҳисоблашадилар, бошқалари улар ўртасидаги фарқларни чиқаришадилар. Иккинчидан, ушбу соҳага қайсиларни киритиш мумкин, қайсиларни киритиш мумкин эмаслиги тўғрисида турли нуқтаи назарлар мавжуд.⁵ Масалан, иқтисодиётимизнинг комплекс ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳасига, моддий ва номоддий соҳаларга бўлиш мавжуд, қайда ушбу соҳалар ўртасида чегара ўтади ва уни иқтисодий ҳақиқатларда қандай акс эттириш лозим – XX – асрнинг 60 – 80 йилларидаги олимлар ўртасидаги мунозараларнинг асосини ташкил этган. Илмий

⁵ Дремина Г.А., Лисовская Н.М. Сфера услуг в новых условиях налогообложения.// Омский научный вестник. – Омск, 2001, вып. 12.

мушоҳадалар чоғида эътибор марказида транспорт ва алоқа каби тармоқлар бўлди ва улар бир ёки бошқа тавсифли гуруҳларга тушиб қолдилар ҳаттоки “бўлиндилар” (жумладан енгил транспорт хизматлар соҳасига, юк транспорти – ишлаб чиқариш соҳасига)⁶.

Алоҳида иқтисодчилар гуруҳи жами реал сектор комплексини уч фаолият турига бўлишадилар:

- ишлаб чиқариш соҳаси;
- хизматлар соҳаси (яъни номоддий ишлаб чиқариш);
- ноишлаб чиқариш соҳаси (қўриқлаш фаолияти, фан, бошқарув ва хоказолар)⁷.

Бугунги кунда иқтисодий тизимнинг таркибий қисми сифатида хизматлар соҳаси – замонавий бозор муносабатларига ўтиш шароитида миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш тавсифига эга бўлиб бормоқда.

⁶ Кулибанова В. В Маркетинг: сервисная деятельность. – СПб, : Питер 2000.

⁷ Дибиргаджиев В. М., Даудова З.И., Мудунов А. С. Болбшие проблемы малых предприятий. Вопросы структуризации экономики, Дагистанский научный центр РАН., г Махачкала: №1 1999